

**“ТАЛАБАЛАР НАЗАРИЙ БИЛИМИНИ БАҲОЛАШДА, ИНСОН ОМИЛИНИ ЧЕКЛАШ, СИФАТЛИ КАДР ТАЙЁРЛАШНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР”.**

*Юсунов Ҳамза Сафарович*

*Тошкент тиббиёт академияси Чирчиқ филиали ўқитувчиси*

*Ҳожисбаева Салима Валиеровна,*

*Ҳамзаева Диёра Ҳамза қизи,*

*Расулов Бунёд Алижон ўгли.*

**Аннотация**

**Мавзунинг долзарблиги ва мақсади:** Республика ўрта ва олий таълимида баҳолаш тизимини шаффофлаштириш натижасида сифатли кадрларни тайёрлаш. Инсон омилини чеклаш, билимни баҳолашда рақамлаштириш, яъни компютер орқали баҳолашга ўтиш лозим.

**Вазифалар:** 1. Республикада мактаб ўқувчилари ва олий таълим талабалари билимини баҳолашда эскирган-инсон омилига боғлиқ ҳолда қолганлиги аччиқ ҳақиқат-ми?

2. Ҳозирги вақтда талабалар олган билимни баҳолашда чет – элда ва Республикада фарқи нимада?

3. Нима учун чет – элда таҳсил олган талабалар сифати юқори? Чет- элда ўқитиш ва баҳолаш тизимини Республикада қўллаш кимга фойда, кимга зиён.

4. Республика олийгоҳларида таҳсил олаётган талабалар сифатини қандай ошириш мумкин?

5. Баҳолаш тизимини ўзгартиришни болалар боғчаси ва мактабдан бошлаш керак.

**Кутилаётган натижа:** Олий ва ўрта таълимда билимни баҳолашда, инсон омилини чеклаш, ёзма тест ва компютерда тест орқали баҳолашда шаффофликга эришиш орқали ҳар қандай йўналишда сифатли кадрларни кўпайишига эришиш.

**Калит сўзлар:** Билимни баҳолаш тизими, баҳолашда инсон омилини чеклаш.

**Луғат:** Яроқсиз маҳсулот- бу сифатсиз мол(товар), ишлатишга яроқсиз (брак) буюм.

Сифатсиз таълим- олинган билимни келгусида ҳаётда қўллаш учун етарли бўлмаслиги.

**Annatation**

**Relevance and purpose of the topic:** training of high-quality personnel as a result of the transparency of the assessment system in secondary and higher education

of the republic. It is necessary to limit the human factor, digitize knowledge assessment, that is, move to computer assessment.

Objectives: 1. Is it a bitter truth that the assessment of the knowledge of schoolchildren and university students of the republic depends on the outdated human factor?

2. What is the difference between assessing the knowledge acquired by students abroad and in our Republic?

3. Why is the quality of students studying abroad high? The use of a system of training and assessment abroad in the republic - for whom is the benefit and for whom is the loss.

4. How to improve the quality of student education in republican universities?

5. Changing the grading system must begin in kindergarten and kindergarten.

**Expected result:** Improving the quality of personnel in any area by achieving transparency in assessing knowledge in higher and secondary education, limiting the human factor, assessment through written testing and computer testing.

**Key words:** Knowledge assessment system, limitation of the human factor in assessment.

**Glossary:** A defective product is a product of low quality, unsuitable for use.

Low quality of education means insufficient knowledge to apply in later life.

#### **Аннотация**

**Актуальность и цель темы:** подготовка качественных кадров как результат прозрачности системы оценивания в среднем и высшем образовании республики. Необходимо ограничить человеческий фактор, оцифровать оценку знаний, то есть перейти к компьютерному оцениванию.

Задачи: 1. Горькая ли правда, что оценка знаний школьников и студентов вузов республики зависит от устаревшего человеческого фактора?

2. Чем отличается оценка знаний, полученных студентами за рубежом и в нашей Республике?

3. Почему качество студентов, обучающихся за рубежом, высокое?

Применение системы обучения и оценивания за рубежом в республике – для кого выгода и для кого проигрыш.

4. Как повысить качество обучения студентов в республиканских вузах?

5. Изменение системы оценок должно начинаться с детского сада и детского сада.

**Ожидаемый результат:** Повышение качества кадров по любому направлению за счет достижения прозрачности оценки знаний в высшем и среднем образовании, ограничения человеческого фактора, оценки посредством письменного тестирования и компьютерного тестирования.

**Ключевые слова:** Система оценки знаний, ограничение человеческого фактора при оценке.

**Глоссарий** : Негодный товар – это некачественный товар, непригодный к использованию товар.

Низкое качество образования – недостаточно знаний для применения в дальнейшей жизни.

**Асосий қисм:**

**Тиббий таълимни қайта кўриб чиқиш зарур:** Тиббиёт институтлари шифокорларни «электрон» бемор ва юқори технологиялар билан ишлашга тайёрлашади. Мутахассисларни ўқитиш узок вақт талаб этади ва шунинг учун ҳам талабалар ўрганаётган тажрибалар битирув вақтига келиб эскириб қолмоқда. Дарсликларнинг ўрнини рақамли синфлар эгаллаши керак, бу ўз навбатида талабалар ва амалиётдаги шифокорлар ўртасидаги мулоқотни таъминлайди ҳамда долзарб ахборот ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратади.(4). Тиббий таълимда фақат назарий эмас, амалиётнинг ҳам ўрни жуда каттадир.

## Тиббиёт институтларида врачларни тайёрлаш тизими

Назарий машғулот-  
аудиторияда ўтиладиАмалий машғулот-  
аудиторияда ўтилади

## Тиббиёт институтларида врачларни тайёрлашда баҳолаш

Назарий билимни инсон  
омилисиз, синов усули-тест  
орқали баҳолаш лозим




Амалий билимни беморни  
бевосита олдида  
кўрсатиб баҳолаш лозим



**Тест саволлари бир неча  
босқич мураккабликда  
бўлиши лозим-масалан:**

- 1 саволга (4 та берилган жавобдан ) 1 та тўғри жавоб;
- 1 саволга (4 та берилган жавобдан ) 2та тўғри жавоб;
- Расмли саволга (4 та берилган жавобдан ) 1 та тўғри жавоб;
- Расмли саволга (4 та берилган жавобдан ) 2та тўғри жавоб;
- ...

- Амалий билимни баҳолаш мезонларида ҳаракат алгоритми босқичларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини назорат этилади:
- Масалан бемор юрак клапинларини аускультация усулида текшириш алгоритми...



**1. Республикада мактаб ўқувчилари ва олий таълим талабалари билимини баҳолашда эскирган-инсон омилига боғлиқ ҳолда қолганлиги аччиқ ҳақиқат-ми?** Тестология назарияси ва амалиётида шу нарса маълумки, тест ўқувчиларнинг билимини баҳолашга хизмат қилади ва қуйидаги учта тамойилга таянади:

**1. Тестнинг обективлиги - яъни ўқувчига қўйиладиган баҳо уни қўядиган шахсга боғлиқ бўлмаслиги шарт.**

**2. Ишончлилик - бу ўқувчининг билимларини ўлчашнинг аниқлик даражаси ёки бир марталик педагогик ўлчаш жараёнида олинган натижаларга қанчалик ишониш мумкинлигини билдиради.**

**3. Валидлик - тузилган тестнинг ўқув дастури мазмунига мослигини билдиради.**

Тан олишимиз керак-ки мактабда ҳам, олийгоҳда ҳам ўқитувчи ўқувчи ёки талабаларни доскага чиқариб, ё ўрндан турғазиб савол-жавоб қилиш орқали баҳолайди. Бунда саволга жавоб бераётган талабани баҳолашда, талабанинг ўзини тутиши, ҳозир-жавоблиги, биринчи бўлиб қўл кўтаргани, исми ва фамилиясининг синф журнали руйхатидаги жойига, кийиниши, гапириш тонлари, ҳатти-ҳаракатлари, олдин олган баҳолари, баъзан ота-онаси мансаби, ўқитувчига бўлган итоаткорлиги, талабанинг йиғлаш даражасидаги қиёфаси, ўқувчини баъзан билган саволига ўрндан туриб берган жавоби( гарча чуқур ўқимаган бўлсада), бошқаларга нисбатан ўзини билафон тутиши, ўқувчини паст баҳо қуйиб хафа қилишни истамаслиги, келгусида яхши баҳо қуса-қуймаса барибир бу мактаб ёки олийгоҳни тугатиши мумкинлиги, бир неча йилдан кейин яна қайта учрашиш эҳтимоллиги каби... каби кўплаб объектив ва субъектив омилларни уйлаб(инсон омили) ўқувчи(талабага) юқори ёки паст баҳо қуяди. Бу баҳолашдаги камчилик, яъни инсон омилидир. Инсон омилининг шаффоф эмаслигига яна бир мисолни тавсия этамиз.

**Билимни баҳолашда олимлар ўқувчиларнинг фамилиясидаги бош ҳарф уларнинг баҳосига таъсир қилишини аниқлади.(1)**

Алифбони билиш академик муваффақият учун жуда муҳим. Бундан ташқари алифбодаги дастлабки ҳарфлар билан бошланадиган фамилияга эга бўлиш ҳам баҳога ижобий таъсир қилиши мумкин.




Мичиган университети тадқиқотчилари томонидан 30 миллиондан ортиқ баҳо ёзувлари таҳлили шуни кўрсатдики, алифбо бўйича пастки қаторларда жойлашган ҳарфлар билан бошланувчи фамилияга эга бўлган талабалар




бошқалардан кўра пастроқ баҳо олади. Бу алифбо тизимида рўйхат тузилиши ва айнан шу рўйхат орқали болаларни баҳоланиш механизмининг хато эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, пастки қатордаги ҳарфлар билан бошланувчи фамилия эгалари ўқитувчилар томонидан салбий ва кўполроқ муомалага дуч келгани аниқланган.

**Тадқиқотчилар Канвас\*даги 2014 йил куз семестридан 2022 йил ёзига қадар бўлган 140 мингга яқин талабанинг 31 миллионга яқин топшириқларнинг мавжуд тарихий маълумотларини тўплади.**



Уларнинг тадқиқотларига кўра, ўқитувчилар кўплаб топшириқларни текшириши сабабли баҳолаш сифатининг пасайишини аниқладилар. Вангнинг сўзларига кўра, фамилияси А, В, С, D ёки Е билан бошланган талабалар бошқалардан кўра 100 баллик тизимда 0,3 баллга юқори баҳо олишган. Худди шундай, алифбодаги сўнгги қатордаги ҳарфлар билан бошланадиган фамилияга эга бўлган талабалар 0,3 балл пастроқ баҳо олишган. Умумий, алифбонинг боши ва охиридаги талабаларнинг баҳосидаги фарқ — 0.6 баллга тенг.



Олимлар бундай баҳодаги фарқ ўқувчининг келажакдаги истиқболига ҳам таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида хулосалар берган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, топшириқларни тасодифий тартибда баҳолаш имконияти мавжуд ва баъзи ўқитувчилар буни амалга оширади. Бу муаммонинг ечими сифатида ҳам барча муассаларда ҳар сафар тасодифий рўйхат шаклантирилиб баҳолаш тавсия этилган.

**Бу билимни баҳолашда инсон омили аралашгани учун, шаффофлик йўқлини кўрсатмоқда. Бу ерда битта омил ўқувчи ёки**

**талабанинг синф журнали руйхатидаги ўрнининг, унга қўйилаётган баҳога таъсирини очиб берган. Биз юқорида санаб ўтган омилларнинг талаба(ўқувчи)ларни баҳолашда таъсири борми? Баҳолаш шаффоф эмаслиги -салбий таъсирлари борлиги бу аччиқ ҳақиқат.**

**2. Ҳозирги вақтда талабалар олган билимни баҳолашда чет – элда ва Республикамизда фарқи нимада?** Ўқувчи ва талаба ҳам инсон бўлиб, инсон психологияси шундай нарса-ки, ўзи қўли билан ортирган тажриба, эришган ютуғи, олган билимини ўқитувчи томонидан баҳоланишига ишонади. Энг ёмон томони олган билимини баҳолашда ўқитувчи, яъни инсон омилини аралашгани сабаб, билими паст бўлишига қарамасдан юқори баҳо қўйилади, бу баҳога ўқувчи( талаба )ишониб, ўз устига ишлаш-билим олишдан тухтайди, натижада келгусида билимсиз кадр бўлиб етишади. Ўқитувчи талаба(ўқувчи)га яхшилик қилябман деб, яхши баҳо қўйиб, келгусида билими паст, сифатсиз кадр етишиб чиқишига сабаб бўлади. Чет –элда талабаларини билимини баҳолашда инсон омилидан воз кечилган. Барча оралиқ ва якунийлар, хатто кунлик машғулотлар ҳам тўлиқ компютра. Компютра тест синовлари топширганда олган билими охириги саволга жавоб бериши билан маниторда олган баҳоси пайдо бўлади. Бу реал баҳо, чунки талаба, барча тавсия этилган китоб ва манбаларни ўқиб тайёргарлик кўради, қайси савол тушишини билмайди, тест саволлар базаси жуда катта. Келгусида натижада билимли кадр бўлиб етишади. Бу синовдан ўтган талабаларни ўз устида кўпроқ ишлаши, билим олишга мажбурлашнинг бир йўлидир. Талаба тестдан паст баҳо олишидан кўрқиб, ўз устида кўпроқ ишлайди. Ўқитувчи билан юзма-юз мулоқат(диалог)да инсон омили озми – кўпми барибир таъсир этади. Талабалар бундан унумли фойдаланади, Талабалар оралиқ ёки якуний назорат саволларини олдиндан олиб, фақат ўша савол-жавобга тайёргарлик кўради, натижада фақат, ўша савол-жавобларни ёдлаб олади, келиб чиқиши, ўзоро боғлиқни ҳис этмайди, натижада ҳолатларни кетма-кетлиги ва бир-бирига боғлаш ( клиник фикрлаш) тушунчаси йўқолиб бормоқда. Шунингдек талабалар ҳам тест орқали билими баҳоланишдан кўрқишади, улар қандай бўлсада, оралиқ ва якунийдан юқори баҳо олиб ўтишни исташади. ( хатто тест бўлганда ҳам ўша тест жавобини топиб, ёдлаб оралиқ ёки якунийдан ўтади, бир ойдан кейин сўралганда барчасини диярли унитган бўлади). Айтишингиз мумкин-ки, олдинлари ҳам талабалар шу тарзда баҳоланган, лекин нега уларнинг билими юқори бўлиб, сифатли кадр тайёрланган? Олдин даврда талабалар китоб ўқишган, китоб ўқиш ва компютра электрон ўқишнинг фарқи бор, шартнома асосида ўқиш бўлмаган, синов ёки имтиҳонни топшира олмаганлар кўзги мавсумга қолдирилган, пул тўлаб қайта топширишга руҳсат берилмаган. Ўқитувчи талабага уйга берган топшириғи сўзсиз бажарилган. Ўқитувчи мавқие давлат томонидан ҳам, ота- оналар томонидан ҳам қадрланган.

Таълим ва тарбия узвий бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Олдин ўқувчи(талаба)нинг ўзини тутиши, олган билимида бирор камчилик сезилса, танбех берса, ўқувчи (талаба) тўғри тушинган. Ота-онасига айтган тақдирда ҳам ўқитувчини қўллаган, ҳозирги даврда-чи?. Мақсад чет-эл олийгоҳлари каби баҳолашда инсон омилидан воз кечиш, лекин тиббиёт институтларида баҳолашда тест билан бирга амалиётни қўллаш самарали саналади. Сабаб тиббиёт олийгоҳи талабалари тестдан юқори бал олиши, назарий билимини баҳолашни кўрсатади, амалий билимини баҳолаш учун амалиёт билан уйғунлаштириш лозим. Аксар талабаларда чет-элда ўқиш ёки давом эттириш истаги мавжуд. Талабаларга қаерда ўқиш эмас, қандай ўқиш муҳимлигини тушинтирилса, шу ерда ҳам, сифатли билим олиши ва юқори натижа олиши мумкин. Буни учун талабаларни китоб ўқишга қизиқтириш лозим.... Талабанинг чет-элдаги талабадан фарқи йўқлиги, интернетдан барча адабиётларни топиш мумкинлиги, озгина ўз устига ишлаши юқори натижага сабаб бўлишига ишонтира олиш лозим. Олийгоҳни битирган мутахассис ўқиш давомида фақат хонада назарий ўқитилгани, амалиёт кам бўлганлиги сабаб, ўқишни тугатиб, тўғридан -тўғри ишлаб кета олмайди. Ёш мутахассис мажбур бўлиб, малакали мутахассисдан амалий тажриба ўрганиш учун, яна вақт сарфлайди, кўпинча қўшимча яна пул тўлаб иш ўрганишга мажбур бўлмоқда. Бу аччиқ ҳақиқат.

#### **4. Республика олийгоҳларида тахсил олаётган талабалар сифатини қандай ошириш мумкин?**

##### **Талабаликнинг илк дарсларида:**

- мактабнинг олигоҳдан фарқи ва талабанинг мажбурияти, бурчи, маъсулиятини сингдириш;( дарсга кеч қолиш, дарсга келмаслик,...);
- талабаларни китоб ўқиш ўргатиш( қизиқтириш- қайси усулда бўлмасин ...), китоб ўқиб завқланиш, дам олиш, билими ошганидан фахрлашиш ҳисси уйғонишига эришиш лозим;
- шу йўналишда бошқа олийгоҳ талабалари билан мусобақаланиш( турли кўринишда савол-жавоблар) , талабаларни ўз устида ишлашига олиб келади;
- уйга берилган топшириқларни ўз вақтида сифатли бажариш...).
- талабалар билим олишига салбий таъсир этувчи омиллар( ётоқхонада, иситиш тизимида, овқатланишда, ёритишда, стол-стулда, компютрда...) ни баргараф этиш;

##### **Кейинги дарсларда:**

- талабаларга белгиланган программадан ташқари шу мавзуга таълуққли янги маълумотлар, ютуқлар бериб бориш;
- ҳар бир дарсни интерфаол усуллардан фойдаланиб ўтиш;
- Барча назарий машғулотларни охирида тест синовлари олиш;



- талабаларга ўтиладиган мавзуни бир неча манбалари( интернет сайти, электрон китоблар, кутубхона китоблари саҳифаларини ) ни қаердан топилиши тўғрисида маълумот бериш;
- дарс вақтини олдиндан нимага сарфланишини режалаштириб олиш;
- кичик бўлсада ютуқларга эришган талабаларни оғизаки бўлсада, рағбатлантириш уларни келгусида ўзига ишонишига олиб келади;
- босқичма-босқич талабаларни соҳанинг долзарб муаммолари ва уларни илмий ечимларига қизиқтириш;
- турли илмий кеча ва конференциялар ўтказиш;
- ўз соҳасининг етук мутахассислари билан учрашиш;
- ўз танлаган йўналишида амалиётлар ўташида йўл-йўриқлар кўрсатиш ва рағбатлантириш...

**5. Баҳолаш тизимини ўзгартиришни болалар боғчаси ва мактабдан бошлаш керак.** Ҳозирги вақтда мактаб даврида фақат, олийгоҳга кириш учун тест ёдлаган талабани китоб ўқишга ўргатиш жуда қийин. Болаларни ёшлигида-ёқ китоб ўқишга қизиқтириш лозим. Ёшлигидан китоб ўқиган бола олийгоҳда бериладиган билим олиши учун берилган топшириқ-китоб ўқишга осон мослашади. Фақат тест ёдлаб, телефондан ўқиб чарчаган талаба эса, фақат дарсдан яхши баҳо олиш учун юзаки ўқийди. Натижада сифатсиз кадр етишиб чиқади.. Мактабда ўрта маълумот олиб, олийгоҳга кириш учун, қўшимча репититорга пул тўлаб тайёрланишга тўғри кела бошланди, мактабда олинган билим нима учун етарли бўлмай қолди, сабаби қаерда? Сабаб ўқитувчидами ёки ўқувчининг қабул қилиш истагидами? Ўқувчига меҳр бериб ўқитилса, ўқувчи олади, ҳеч бир репититорга эҳтиёж қолмайди. Ўқитувчи меҳр билан билим бериши учун моддий стимул (маош, мукофат пуллари) ўта муҳимдир. Президентимиз томонидан ўқитувчилар маоши ошиши- таълим сифатини ошишига олиб келмоқда. Бугунги кундаги диярли барча талабалар репититорга тайёрланиб олийгоҳга киришган. Репиторлар замон талабига кўра, олийгоҳга кирадиган даражада тайёрлай олиши учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланмоқда ва буни учун юқори тўлов олмоқда. Мени таклифим, мактаб ўқитувчилари маошини ошириш ҳисобида репититорлардан кучлироқ билим беришни тарғиб этишдир. Сабаб: барча оилаларнинг моддий таъминоти ҳар хил бўлиб, ҳамма ҳам боласини репиторда ўқитишга пул топиб бера олмаслиги мумкин. Шунингдек репититорга куннинг иккинчи ярмида боришади, болаларнинг билим қабул қилиши , куннинг биринчи ярмида юқорилиги ва мактабга номига бориши, болани вақт йўқотишига олиб келади. Бола келгусида олийгоҳга кириши учун йиллар давомида мактабга, ундан репититорга қатнайди, у диярли дам олмайди, боланинг болалиги қаерда қолади, уйнамайдими, ёшлик гаштини сурмайдими? болада сурункали чарчоқлик юзага келади. Олийгоҳга

киргач, яна ўқиши керак, Бу каби саволларнинг ечими қаерда? Барчасининг ечими боғча, мактабдан бошланади... Боғча ва мактабни ҳар қанча ислоҳ этмайлик болалар билимини баҳолашда инсон омилидан воз кечиш лозим. Мактабда билим олийгоҳга кирадиган даражада билим берилса, дарсдан кейин репититорга бормайди, дам олади, сурункали чарчаш ривожланмайди. Олийгоҳга кирган талаба ҳар қандай китоб ўқитишга қаратилган зўришни кўтара олади. Шунингдек тарбияни таълим билан бирга олиб бориш ўта муҳимдир.

Аждодларимиз бизга буюк мерос қолдирган.

Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё халокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат эканини яхши англаймиз. Тарбия масалаларига эътиборсиз қаралган вазиятда юзага келадиган кўнгилсизликлар ҳам, у келтириб чиқарадиган зарарли оқибатлар ҳам барчамизга аён. Аммо бугун кишиларимизга ана шу ҳақиқатни айтсангиз сизга: “Нима қилай, ишламасанг бўлмаса!”, “Кўряпсиз-ку, осонмас, ҳаёт ташвишлари, болаларнинг еб-ичишию, кийим кечаги ...”, “Ҳа энди ўзи омон бўлса, тарбияси бир гап бўлар...” Йўқ, тарбия “бир гап бўладиган” нарса эмас. Унинг учун жон куйдириш шарт. Мол дунё кийим- кечакка ҳирс қўйиш дардидан фориғ бўлиб, тарбия билан шуғулланиш керак. Гўё кўпчиликнинг фарзанд тарбияси билан банд бўлишга ортиқча вақти йўқ эмиш. Ваҳоланки, тарбия масалалари билан ортиқча вақтда эмас, ҳар дақиқада шуғулланиш даркор. Олимларнинг аниқлашича, бир суткада фарзанд тарбияси учун фақатгина ўн икки дақиқагина вақт ажратадиган ота-оналар бор экан. Бу дақиқалар ҳам асосан дастурхон атрофида ўтирганда, бола кўчага чиқаётганда, мактабга кетаётгандаги бериладиган кичик танбеҳларга сарф бўларкан, холос.

Буюк ватандошимиз Имом Ғаззолий бундай дейди: “Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақшу тасвирдан холи бир қимматбаҳо гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қилади, қаёққа букилса, эгилади. Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва дунёю охиратда саодатга эришади. Унинг савобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллиму устозлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка одатлантирилса, ҳайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охир-оқибат ҳалок бўлади. Гуноҳи эса унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади”. Азиз ота оналар, бу борада олиб бораётган ишларингизга бир назар ташлаб кўринг-а?! Сиз буни қай даража уддалаяпсиз, фарзандингизга, унинг тарбиясига қанча вақт ажратяпсиз? Зеро, бугун илм-фан ва таълим изчил ривожланиб бораётган бир даврда ҳеч шак-шубҳасиз тарбия таълимнинг асосида туриши шартдир. Шундай экан, илм-фан таълим-тарбия асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ҳар бир педагог, муаллим ва устознинг таълим

беришдан мақсади – келажаги порлоқ, Ватан ва эл-юрт хизматида турадиган кадрларни тарбиялаш бўлар экан, бундай таълим-тарбия ўз самарасини бермай қолмайди. Яъни, бугунги куннинг ўқитувчи ва муаллими ўзи таълим бераётган шахсга фидойилик билан таълим бериши, қолаверса жонкуяр тарбиячи бўлиши шарт.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов айтганларидек: “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”. Шундай экан, таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб бориш талаб этилади.

**Инсон омилисиз билимни тест синовлари орқали баҳолашда қуйидагиларни тавсия этамиз:**

**Тестология** - инглизча сўздан олинган бўлиб, тест — синов, юнонча логос — билим сўзлари бирикмасидан иборат.

Тестология фанлараро фан бўлиб, илмий асосланган ва сифатли педагогик диагностик ўлчов методикаси ҳақидаги фан саналади.

-Тестология фанининг объекти:

-Тест топшириқларини тузиш жараёни;

-Тест топшириқларини амалиётга жорий этиш ва ўтказиш жараёни;

-Тест топшириқларидан олинган натижаларни умумлаштириш жараёни саналади.

**Тестологияни қўллашда умумий хусусиятлар:**

- тестлар тузиш методикаси,

- самарадорлик,

- вариативлик,

- ишончлилиқ,

- ҳар бир фан соҳасининг ўзига хос хусусиятлари,

- фаннинг таълим мазмуни,

- тестларнинг мантиқий тузилиши,

- тест синовининг ўтказилиш мақсади,

- касбий ва умумтаълим билимларни назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва ўлчови эътиборга олинади.

## **ТЕСТ ТУЗИЛИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Ҳар бир ўқитувчи ўқувчилар билимини жорий назорат ҳамда оралиқ ва якуний назоратлари учун сифатли тест топшириқларини ишлаб чиқишни билиши керак. Тест сифатининг етарли даражасини таъминлаш учун тест топшириқлари тузилишига қўйиладиган қатор талабларни ҳисобга олиш ва бажариш керак. Уларга қуйидагилар киради:

-Тест топшириқлари берилган структура (кодификатор)га кўра эҳтиёж асосида тузилиши ва ҳар бир тест топшириғининг қийинлик даражаси кўрсатилиши лозим.

-Ҳар бир тест топшириғи тегишли таълим тури бўйича Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида тузилиши шарт.

-Тест топшириғи илмий асосланган маълумотлар асосида тузилиши зарур.

-Тест топшириғи умумий қабул қилинган атамалар асосида тузилиб, унда эскирган, кам ишлатиладиган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, белгилар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар бўлмаслиги керак.

-Ҳар бир тест топшириғи бирор-бир ягона мақсадни кўзда тутган ҳолда тузилиши лозим.

-Тест топшириғининг саволи аниқ, лўнда, қисқа ифодаланган бўлиши, унда зарурий маълумотлар келтирилиши, кераксиз ортиқча маълумотлар ишлатилмаслиги, шунингдек, савол икки хил тушунилмаслиги керак.

-Тест топшириғи саволида тўғри жавобни топишга ёрдам берувчи сўз ва иборалар ишлатилмаслиги лозим.

-Тест топшириғининг тўртта жавоби бўлиб, улардан фақат биттаси мутлақ тўғри бўлиши керак.

-Тўғри жавоблар ҳам, нотўғри жавоблар ҳам битта мавзу доирасида бўлиши шарт ва улар шакл жиҳатидан ҳам бир-бирига яқин бўлиши, тўғри жавоб шаклан ажралиб турмаслиги керак.

-Тестнинг муқобил жавоб вариантларида сўзлар кераксиз такрорланмаслиги, шунингдек, тушунарли, аниқ ва қисқа бўлиши талаб этилади.

-Тест топшириғининг муқобил жавоб вариантларини тузишда тўғри жавобни топишга ёрдам берадиган сўз ва иборалар ишлатилмаслиги зарур.

- Тест топшириғининг нотўғри жавоблари асосли равишда танланиши керак;

- Тест топшириғининг муқобил жавоблари орасида «жавобларнинг барчаси тўғри», «жавобларнинг барчаси нотўғри», «тўғри жавоб йўқ», «тўғри жавоб А ва В», «В ва Д» каби иборалар ишлатилмаслиги лозим;

- Тест топшириқлари ёзилган файлнинг номи намунавий ўқув режага мувофиқ фаннинг тўлиқ номи билан номланиши шарт. Файлни номлашда қисқартмалар киритиш мумкин эмас;

- Тест топшириқларини киритишда. имловий ва услубий хатоликларга йўл қўймаслигига эътибор берилиши лозим. Тест саволлари таркибига фақат текширилган, обектив маълумотлар киритилади. Ўқувчилар учун тузиладиган тест топшириқлари таркибига мунозарали саволларни киритиш тавсия этилмайди;

- Топшириқ мазмунини илмий бўлмаган, оддий ҳаётий тушунчалар ёрдамида ёритиш тавсия этилмайди;

- Ўқувчилар учун тузиладиган тест тошириқлари қисқа, тўғридан-тўғри саволлар ёрдамида тузилиши мақсадга мувофиқдир;
- Тузиладиган тест ортиқча сўзлар бўлмаслиги керак;
- Тўғри жавоблар тасодифий тартибда жойлаштирилиши, нотўғри жавоблар ҳақиқатнамо бўлиши, жавоблар вариантлари (берк топшириқларда) бир хил узунликда бўлиши, тест таркибидаги сўзларнинг бир маънолиги, аниқлиги ва тушунарлилигига эътибор қаратиш лозим;
- Топшириқ шартлари, ифодаси ва жавоблар синчковлик билан таҳрирланиши шарт(5).

**Хулоса:** Ҳар қандай билимни баҳолашни инсон омилисиз –компютерда амалга оширишга эришилса, талаба, олган билимини ҳақиқий баҳосини олади. Ўқиш шароитларига боғлиқ эмас, балки истак ва баҳолаш тизимида инсон омилнинг ролдир. Қаерда ўқиш муҳим эмас, қандай ўқиш муҳимдир. Қуйилган баҳо канчалик шаффоф бўлса, шунча кучли, етук ва рақобатбардош кадрлар етишиб чиқади.

Тиббий таълимни трансформация қилиш борасида ҳам муҳим қадамлар қўйилди. Хусусан, тиббиёт олий ўқув юртларида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият, магистратура ва клиник ординатура ўқув режаларига “нано технология”, “тиббиёт генетикаси”, “IT-технология” каби фанлар киритилади ва хорижий педагогларни жалб қилган ҳолда ўқув жараёнлари ташкил этилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Олимлар ўқувчиларнинг фамилиясидаги бош ҳарф уларнинг баҳосига таъсир қилишини аниқлади. Daryo.uz. <https://daryo.uz> > 2024/04/21.
2. 21 апр. 2024 г. — Алифбони билиш академик муваффақият учун жуда муҳим ...
3. Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот... масаласидир”. muslim.uz. <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/1984> - Дек 13, 2016. **Ўтқир ҒУЗАРОВ**, “*Ҳожа Бухорий*” номли ўрта махсус ислом билим юрти мудури
4. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори 2009 йил 18 декабрь, 319-сон (тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида)
5. **<https://www.xabar.uz/jamiyat/tibbiyotni-butunlay-ozgartiradigan-11-ta-technologik-innovaciya>.**
6. Дусчанов,Б.А.Тестология тест тузиш санъти/Б.А.Дусчанов, Б.С.Рахимов, С.К. Собирова.-Текст: непосредственно//Молодой ученый.- 2017.- №16.2(150.2).С.27-28.
7. Талабалар назарий билимини баҳолашда тест тузишга доир тавсиялар. Юсупов Ҳ С ва бошқалар. Ta'limda raqamli texnologiyalarni tadbiq etishning zamonaviy tendensiyalari va rivojlanish omillari. www.pedagoglar.org 31-to'plam 1-qism May 2024. 71-80 саҳифа.